

ФОРС ТИЛИДА СОДДА ФЕЪЛ АСОСИДА ТУЗИЛГАН ҚЎШМА ФЕЪЛЛАРНИНГ СТРУКТУР ТАҲЛИЛИ

ҲОДИЕВА НОЗИМА

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Мазкур мақолада форс тилида феъл лексикасининг ривожланиш йўллари кўрсатилади. Шунингдек, эроншунос олим Л.С. Пейсиков ва тилишунос М.Р. Ботининг “*Ū Ā Ū*” мақоласидаги феъллар ҳақидаги фикрлари ўрганилган.

Таянч сўз ва иборалар: содда, мураккаб ва префиксли феъллар.

Аннотация. В этой статье рассматриваются пути развития глагольной лексики в персидском языке. Кроме того изучаются мнения ученого-ираниста Л. С. Пейсикова и лингвиста М. Р. Ботина, изложенные в “*Ū Ā Ū*”.

Опорные слова и выражения: простой глагол, сложный глагол, префиксальный глагол.

Abstract. This article discusses the ways in which the lexicon of the verb language is developed in the Persian language. Also, the findings of the lecturer LS Peysikov and the Iranian linguist M.R. Botin's “*Ū Ā Ū*” are examined.

Keywords and expressions: simple, sophisticated (complex), additional (prefix) verbs.

Форс тилида феъл бошқа сўз туркумлари орасида муҳим ўрин эгаллайди. У нафақат маъно хилма-хиллиги, балки шакллариининг кўплиги билан ҳам ажралиб туради. Феъллар билан ифодаланган ҳаракат-ҳолат тушунчаси замон, майл, нисбат, шахс-сон категориялари билан узвий боғлиқдир. Булардан ташқари, феъллар орқали яна ҳаракатнинг ўтимли-ўтимсизлиги, бўлишли-бўлишсизлиги каби маънолар ҳам ифодаланади.

Форс тилида феълларнинг содда, мураккаб ва префиксли шакллари мавжуд.

Ҳозирги вақтда форс тилида бирор ҳаракат ёки ҳолатни ифодалаш учун (агар илгари мазкур ҳаракат-ҳолат учун сўз мавжуд бўлмаган бўлса) янги содда ёки префиксли феъл ясалмайди, балки қўшма феъл ясалади.

Форс тилида феъл лексикасининг куйидаги ривожланиш йўллари ажратилади: 1) содда феълларнинг префикслар билан бирикуви натижасида янги маъно касб этиши; 2) «исм → феъл» модели асосида от (ва сифат)дан феъл ясалиши; 3) фразеологик моделлаштириш асосида қўшма феъл ясалиши. Юқорида келтирилган усуллардан қўшма феъл ясалиши маҳ-

сулдор саналади. Мавжуд префиксли феъллар қадимий тип ясалиши¹ бўлиб, ҳозирги форс тилида маҳсулдор эмас. Эроншунос олим Л.С.Пейсиковнинг фикрича, «феъл префиксациясининг тарихий миссиясини тугалланган деб ҳисобламоқ зарур»². Ҳозирги форс тилида содда ва префиксли феъллар ясалмайди³. Қўшма феъллар ясалиши феъл ясалишининг бошқа усуллариини сиқиб чиқарган⁴.

Эрон тилшуноси М. Р. Ботини “*فارسی زبان عقيم*” мақоласида “Ҳозирги форс тилида содда феъллар ясалмапти ва ўтмишдан бизгача етиб келган маҳсулдор саналган содда феъллар сони кундан кунга камайиб бормокда ва муомаладан чиқиб боряпти ва ўз ўрнини мураккаб феълларга бўшатиб бормокда”, деб ёзади.

¹ Мухамедова Н.А. Теоретическая грамматика персидского языка. –Т., 1994. –С.91.

² Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. –М., 1973. –С.79.

³ Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. – М., Наука, 1981.–С.122.

⁴ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного литературного персидского языка. –М., 2001. –С.204.

با سر آستين عرق پيشانيم را پاک کردم.
 Пешанамдаги терни энгим билан артдим.
 داشتم تخته سپاه را نگاه می کردم و به حرفهای
 آقای حیدری گوش می دادم. (مرادی کرمانی. قصه
 های مجید. ص. 15)

Доскага караб турардим ва Хайдарий жано-
 бларининг гапларига кулоқ солардим.
 چرا گریه می کنی بی بی.¹

Буви нега ййғлаяпсиз?
 پاکیدن (مرادی) мисолларда
 كەلтирилган мисолларда (قصه های مجید. ص. 18)
 ўз ўрни-
 ни پاک کردن феълига,
 گوش دادن- گوشیدن, گریستن-گریه کردن
 феълларига берган.

Жоле Рўстампур ҳам ўзининг زبانی زبانی
 ژانр "Форс тилининг махсулдорлиги" мақо-
 ласида юқорида зикр этилинган Доктор Боти-
 нийнинг фикрларини тасдиқлайди ва ҳозирги
 форс тилида оддий усул орқали от ёки сифат-
 дан содда феъл ясалмаётганлигини, содда
 феъл ўрнига мураккаб феъл яшаш тенденция
 жараёни бораётганлигини таъкидлайди.

Доктор Хонларий ҳам ўзининг تاریخ زبان
 "Форс тили тарихи" китобида форс ма-
 тнларида такрорий равишда учраган содда
 феълларнинг рўйхатини келтиради. Унда 277
 та содда феъл қайд қилинган. Улардан баъзи-
 лари ҳатто муомаладан чиққан бўлиб, ҳозирги
 кунда адабий тилда ва ҳатто оғзаки нутқда
 ҳам ишлатилмаётганлигини айтиб ўтади.

Ю.А.Рубинчикнинг кўрсатишича, «сўз
 ясалиши» терминининг феълларга нисбатан
 қўлланилиши шартли, чунки содда ва пре-
 фиксли феъллар сўз ясалишида иштирок эт-
 майди ва синхрон планда ёпиқ гуруҳ ҳисоб-
 ланади. Қўшма феълларнинг сони эса юқо-
 рида келтирилган «от (исм) + феъл» типиди-
 ги фразеологик модел асосида тўхтовсиз ор-
 тиб бормоқда². Демак, турғун феъл бирикма-

лари – феълий фразеологик бирикларнинг
 ҳосил бўлиши натижасида янгидан-янги
 қўшма феъллар пайдо бўлмоқда.

Мохаммад Резо Одел ҳам "فعل در زبان" (Fors tilida fe'l) мақо-
 ласида содда
 феъллар кундан кунга камайиб, ўрнига мур-
 раккаб феъллар ясалётганлигини ва олиб
 борган тадқиқотида 3000 га яқин қўшма
 феъл ййғанлигини, шулардан 1056 тасида
 (kardan) феъли ёрдамчи феъл вазифа-
 сида келганлигини айтиб ўтади.

Эроншунос олим Ю.А.Рубинчикнинг фик-
 рича, қўшма феълнинг табиати ва унинг қўш-
 ма сўз ҳамда сўз бирикмасига муносабати ма-
 салалари, қўшма феълнинг тил системасида,
 яъни грамматика ва фразеология соҳасида тут-
 ган ўрни хануз тўла аниқланмаган.

Мазкур муаммони ўрганишда манба си-
 фатида Муаддабпурнинг "Parichehr"
 (Техрон, 1378) романи ва Мўродий Кермо-
 нийнинг "Qessehoi Majid" (قصه های مجید)
 асаридаги (Техрон, 1358) "Mohi" ماهی ҳикоя-
 си танланди. Ишдан қўзланган мақсадимиз
 содда феълларни "парчалаш" орқали ясалган
 қўшма феъллар моделларини аниқлашдир.

Форс тилида содда феълларни «парча-
 лаш», «бўлиш» орқали қўшма феъллар яса-
 лади. Уларни феълий перифраза (ёки parafrase –
 yun. paraphrases – тасвирий ифода,
 тасвир)лар деб аташ мумкин. Бундай қўшма
 феълларнинг биринчи компоненти сифатида
 ўша асос қилиб олинган феълнинг (ўзак) не-
 гизи, сифатдош шакли, ҳаракат номи хизмат
 қилади. Мазкур қўшма феълларни уларнинг
 ясалишига асос бўлган содда феъллар билан
 ўзаро семантик муносабатига кўра қуйидаги
 гуруҳларга ажратиш мумкин³.

1. От (ва сифат)дан ясалган феъллар-
 нинг ясовчи асоси + ёрдамчи феъл модели:
 رقص کردن raqs kardan – رقصیدن
 «раксга тушмоқ»;

¹ مرادی کرمانی. قصه های مجید 1374، ص. 15.

² Рубинчик Ю.А. Грамматика современного литера-
 турного персидского языка. –М., 2001. –С.204.

³ Alimova X. Dariy tili (morfologiya). –T.: «O'zbekis-
 ton» Nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2008. –Б.108.

jang kardan جنگ کردن – *jangidan* جنگیدن
«жанг қилмоқ», «урушмоқ»;

Баъзан кўшма феълнинг от қисми *be* кўмакчисини қабул қилади:

be anjām به انجام رساندن – *anjāmidan* انجامیدن
rasāndan «тугатмоқ», «тамомламоқ» каби.

بعد از این که دعاش تموم شد، اشکها شو پاک
کرد و به طرف من برگشت و گفت¹.

Дуоси тугаганидан кейин, кўз ёшларини
артди ва мен томонга ўгирилди ва деди.
بچه م رو برق خشک کرده بود².

Боламни ток урган эди.

2. Содда феълнинг ҳозирги замон негизи-
дан ясалган -е суффиксли от+ ёрдамчи феъл
моделли:

xande kardan خنده کردن – *xandidan* خندیدن
«кулмоқ»

به (*gerye kardan* کردن گریه – *geristan* گریستن
«йиғламоқ» каби. *be gerye oftādan* «گریه افتادن

نالہ می کردم. زاری می زدم ولی بگو اگر از
سنگ صدا در می آمد؟³.

Нола қилардим, зорланардим лекин айт,
тошдан садо чиқармиди?

ولی من گریه نکردم همین باعث شد که پدرم منو
بیشتر بزنه⁴.

Аммо мен йиғламадим. Отам мени кўп-
роқ урушига шу нарса сабаб бўлди.

3. Содда ва префиксли феълларнинг ўт-
ган замон негизи + ёрдамчи феъл модели

xarid kardan خرید کردن – *xaridan* خریدن
«сотиб олмоқ»;

bāft kardan بافت کردن – *bāftan* بافتن
«тўқимоқ»; каби.

فرهاد، از هیچ چیز کوتاهی نکن. پول که به
اندازه کافی داری. صورت حساب بیمارستان رو من
از اینجا پرداخت می کنم.⁵

Фарход, ҳеч нарсадан тортинма, етарли
даражада пулинг бор. Касалхона харажатини
мен бу ердан тўлайман.

دلت نمی خواد کمی هم خرید کنی⁶?

Озгина харид қилишни хоҳламайсанми?

4. Содда феълнинг ҳозирги замон негиз-
зидан ясалган -e суффиксли от + ёр-
дамчи феъл модели

āzmāyeš آزمایش کردن – *āzmudan* آزمودن
«синамоқ», «текширмоқ»;

ārāyeš dādan آرایش کردن – *ārāstan* آراستن
«ясатмоқ», «безатмоқ»; каби.

وقتیکه ما می تونیم مثل دو تا انسان کامل با هم
حرف بزنیم چه اشکالی داره که یکبار آزمایش کنیم
شاید این کدورت ها از بین بره⁷?

Икки комил инсон каби гаплаша олсак ва
бир марта синаб корсак буни нима айби бор,
шояд гина кудратлар йўқолиб кетса?

5. Содда ва префиксли феълларнинг ўт-
ган замон сифатдоши + ёрдамчи феъл мо-
дели. *āmixte kardan* آميخته کردن – *āmixtan* آميختن
«аралаштирмоқ»;

bar āvardan بر آورده کردن – *bar āvarde kardan*
«амалга оширмоқ» каби.

در اون لحظه از صمیم قلب از خداوند خواستم
که آرزوی همه رو بر آورده کنه⁸.

Ўша лахзада чин қалбдан худодан ҳамма-
нинг орзуси ушалашини сўраган эдим.

ممنونم فرهاد که آخرین آرزوش رو بر آورده
کردی⁹!

“Хурсандман, Фарход, охирги орзусини
рўёбга чиқардинг!”

6. Маъно жиҳатидан бир-бирига яқин
ёки синоним сўзларни -o- тенг боғловчиси
орқали бирикуви + ёрдамчи феъл модели.

کوشیدن – *say-o-kušēš kardan* سعی و کوشش
kušidan «ҳаракат қилмоқ»;

¹ مؤدب پور، م. پریچهر. - تهران: نسل نو اندیش، 1378. ص 568.

² مؤدب پور، م. پریچهر. - تهران: نسل نو اندیش، 1378. ص 404.

³ Ўша асар, 136-б.

⁴ Ўша асар, 63-б.

⁵ Ўша асар, 531-б.

⁶ Ўша асар, 548-б.

⁷ Ўша асар, 60-б.

⁸ Ўша асар, 179-б.

⁹ Ўша асар, 601-б.

gere-o-nāle kardan – گریه و ناله کردن
geristan, نالیدن nālidan “йиғламоқ”,
“хўнграб йиғламоқ”; каби.
مادرم با بقیه خانمها هم در گوشه دیگر سالن
مشغول گفت و شنود شدند.¹

Онам қолған аёллар билан бошқа хонанинг
бурчагида гаплашиш билан машғул эдилар.

**7. Содда феълнинг ҳозирги замон си-
фатдоши + ёрдамчи феъл модели**

xandidan – خندان شدن – “кулмоқ”;
āvizān kardan – آویزان کردن – “осмоқ”,
“осиб қўймоқ”; каби.

...چقدر طلا و جواهر به خودشان آویزان می کردند.²
“...Ўзларига қанча тилла-ю жавахир та-
қардилар”.

من هر جا که باشم، تورو دوست دارم و برات نگرانم.³
“Мен қайерда бўлсам ҳам, сени яхши
кўраман ва сен учун қайғураман”.

8. Содда феълнинг ҳозирги замон негизи
+ ёрдамчи феъл модели.

āzār dādan, آزار دادن – āzordan
آزردن “озор бермоқ”, “хафа
қилмоқ”;

ferib dādan – فریب دادن – feriftan
فریفتن “алдамоқ”, “фириб бермоқ”;

Баъзан қўшма феълнинг от қисми бе
олд кўмакчисини қабул қилади:

be juš – به جوش آمدن – jušidan
جوشیدن “қайнамоқ”; “ҳаяжонланмоқ” каби.

تمام قالیچه ها به قیمت خوب فروش رفته بودند.⁴
Барча гиламчалар яхши нарҳда сотилган эди.

خانم پیر سری تگون داد و گفت.⁵
Кекса аёл бошини силкитди ва деди.

9. Содда феълнинг ҳам ўтган, ҳам ҳозирги
замон негизлари + ёрдамчи феъл модели.

goftan – گفتن goft-o-gu kardan – گفتگو کردن
“гапирмоқ”, “суҳбатлашмоқ”,
šostan – شستن šostšu kardan – شستشو کردن
“ювинтирмоқ”.

بعد از اینکه برادرم رو توی همون استخر غسل
کردند و شستشو دادند ته باغ دفنش کردند.⁶

Укамни ўша ҳовузда ғусл қилдилар ва
ювинтирганларидан сўнг, боғнинг ичкарисига
дафн қилдилар.

10. Икки содда феълнинг ўтган замон
негизлари + ёрдамчи феъл модели

شما باید اجازه بدید که اونها مدتی با هم رفت و
آمد داشته باشند.

Улар қандайдир муддат бир-бирлари
билан учрашиб туришлари учун сиз рухсат
беришингиз керак.

11. Қўшма феълнинг ҳозирги замон
негизи + ёрдамчи феъл модели.

qāli bāfi – قالی بافی کردن qāli bāftan – قالی بافتن
“гилам тўкимоқ”
ozr – عذر خواهی کردن ozr xāstan – عذر خواستن
xāhi kardan – “узр сўрамоқ” каби.

بهش گفتم می دونی عزت، من قبل از اینکه زن
امراله بشم، قالی بافی می کردم.⁷

Унга айтдим, биласанми Иззат, Амруллоҳга
эрга текгунимча гиламдўзлик қилардим.

12. Префиксли феълларнинг ҳозирги
замон негизи + ёрдамчи феъл модели

vāriz kardan – واریز کردن vārixtan – واریختن
“пул тўламоқ”.

vādār kardan – وادار کردن vādāstan – واداشتن
“мажбурламоқ” каби.

هزینه بیمارستان را قبلاً در ایران به حساب
واریز کرده بودیم.⁸

Касалхона харажатларини олдиндан Эрон-
да тўлаб қўйган эдик.

امراله رو وادار کرده بودم که این خونه رو بنام
عزت کنه.⁹

¹ Ўша асар, 46-б.

² مؤدب پور، م. پریچهر. - تهران: نسل نو اندیش، 1378. ص 566

³ Ўша асар, 568-б.

⁴ Ўша асар, 421-б.

⁵ Ўша асар, 29-б.

⁶ Ўша асар, 86-б.

⁷ Ўша асар, 408-б.

⁸ Ўша асар, 536-б.

⁹ Ўша асар, 460-б.

Бу уйни Иззатнинг номига ўтказиб беришга Амруллоҳни мажбурлаган эдим.

Хулоса қилиб айтганда, қўшма феъллар префиксли ва отдан ясалган феъллар каби муайян бир ҳаракатни билдиради. Уларнинг шаклланиши ўрта форс тили давридан бошланади ва тилнинг ҳозирги босқичида микдор жиҳатидан устунлиги шубҳасиз.

Қўшма феълларнинг ясалиш структурасини текшириш уларни икки гуруҳга ажратиш имконини бери:

А) Содда феълларни «парчалаш» орқали ясалган қўшма феъллар.

Б) Исм + ёрдамчи феъл типидagi қўшма феъллар.

Содда феълларни «парчалаш» орқали ясалган қўшма феълларнинг 12 модели аниқланди. От қисми от сўз туркумига оид сўзлар билан ифодаланган қўшма феъллар энг катта гуруҳни ташкил этади. Юкорида келтирилган содда ва улардан ясалган қўшма феълларнинг синонимлик даражаси бир хил

эмаслиги аниқланди. Улардан баъзиларининг маънолари ўзаро тўлиқ бир-бирига мос тушса, айримларининг маънолари баъзи жиҳатлардагина тенглашади.

От+ феъл типидagi қўшма феълларга от, сифат, равиш ва бошқаларнинг ёрдамчи-ясовчи феъл билан бирикувидан ҳосил бўлган феъллар киради. Асосий маъно, яъни лексик маъно феълнинг от қисмида ифодаланади. Ёрдамчи-ясовчи феъллар эса маъносизланишининг турли сатҳларида бўлади.

Материаллар таҳлили орқали қўшма феъллар ясалиши феъл ясалишининг бошқа усуллари сиқиб чиқараётгани кузатилди. 1930-йилда нашр қилинган Содик Ҳидоятнинг “خانم آبجي” “Obji xānom” ҳикояси ва 1999-йилда нашр қилинган Муаддабпурнинг پريچهر “Parichehr” романидан 5 саҳифа ҳажмида феълларнинг структурасини ўрганиш қуйидаги натижаларни кўрсатди:

Асар номи	Содда феъл	Қўшма феъл
خانم آبجي	60	36
پريچهر	46	72

Шунингдек, рузнома материаллари таҳлили орқали ҳам қўшма феъллар ясалиши феъл ясалишининг бошқа усуллари сиқиб чиқараётгани кузатилди. Эронда нашр эти-

линган اطلاعات ва سلامت рузномаларининг икки саҳифа ҳажмида феълларнинг структурасини ўрганиш қуйидаги натижаларни кўрсатди:

Асар номи	Содда феъл	Қўшма феъл
اطلاعات	70	38
سلامت	40	70

